

ПРЕЗИДЕНТ СЕУЛГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов
Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг
таклифига биноан 10 февраль куни давлат ташрифи билан
Корея Республикасига жўнаб кетди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Корея ҳамкорлигини
янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари,
томонлари қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамият-
га оид долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли
соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга
қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши
режалаштирилган.

ИСЛОМ КАРИМОВ СЕУЛГА КЕЛДИ

СЕУЛ. 10 февраль. **ЎА** махсус мухбири
Анвар Бобоев хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов
Корея Республикаси пойтахти Сеул шаҳрига етиб келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 11 февралга белгилан-
ган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов
ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак Ўзбекистон
— Корея муносабатларига оид масалалар, ўзларини
қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан
фикр алмашадилар.

Музокаралар якунида икки мамлакат ўртасида турли
соҳалардаги ҳамкорлиқни янада кенгайтиришга қаратил-
ган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎзА).

Ўзбекистон — Жанубий Корея: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон
Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён
Бакнинг таклифига биноан кеча давлат ташрифи
билан ушбу мамлакатга келди.
Давлатимиз раҳбарининг ташрифи
12 февралга давом этади.

Ўзбекистон ва Корея Рес-
публикаси ўртасидаги алоқа-
ларнинг бўшқин ривожлани-
шига ўзаро ишонч, англашув
ва қўллаб-қувватлаш тамо-
йилларига асосланган амал-
ий сиёсий мулоқотлар, шу-
нингдек, халқаро муаммолар,
минтақавий хавфсизлик ма-
салалари бўйича ёндашув-
ларнинг умумийлиги ва яқин-
лиги, икки мамлакат манфа-
атларига ҳозирги кунда мав-
жуд бўлган таҳдид ва даъ-
ватлар юзасидан қарашлар-
нинг ўхшашлиги ўзига хос
қўмақ вазиёларни ўтамоқда.

Мамлакатларимиз ўртаси-
да дипломатия муносабатла-
ри ўрнатилганидан бунён ўтган
18 йил давомида Корея Рес-
публикаси барча муносабат-
ларда стратегик шерикка,
Осиё давлатлари орасида энг
йирик сармоявий ҳамкорга
айланди. Мамлакатларимиз

ўртасидаги ҳамкорлик тамо-
йиллари эса халқларимизнинг
икки томонлама фойдали ва
узоқ муддатли манфаатлари-
дан келиб чиқади. Ўзбекистон
ва Жанубий Корея раҳ-
барларининг доимий учра-
шувлари икки мамлакат ало-
қаларининг мустаҳкамлани-
шига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислон Каримов-
нинг 2008 йил февраль
ойида Корея Республикаси
Президенти Ли Мён Бакнинг
инаугурация маросимида
иштирок этиши ва Пекин
шаҳрида бўлиб ўтган ХХХ
ёзги Олимпиада ўйинлари-
нинг очилиши тантаналари
доирасидаги учрашувлар
икки давлат раҳбарлари
ўртасидаги ишончли муноса-
батларнинг чуқурлашувиغا
асос бўлди.

(Давоми 2-бетда).

ЮКСАЛИШ, САМАРАДОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

**Мамлакатимизда иқтисодий тармоқларига
инвестиция, жумладан, тўғридан-тўғри хориж
инвестициясини жалб этишга алоҳида эътибор
қаратилмоқда. Зотан, Президентимиз
2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда
Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланти-
ришнинг энг муҳим устувор йўналишларига
бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси-
да алоҳида таъкидлаганидек, инвестицияларсиз
модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайд.**

Инвестиция

Юртимизда ушбу тамойил асосида изчил
ислохотлар амалга ошириб келинаётгани
туфайли қўлай инвестициявий муҳит яра-
тилди. Натижада хориж сармоядорлари ўз
маблагларини мамлакатимиз томон йўнали-
тиришга интилишмоқда. Бунга 2009 йилда
Жиззах вилоятида рўёбга чиқарилган қўшма
лойиҳалар яққол мисол бўла олади.

Гап шундаки, ўтган йили вилоят иқтисо-
диётига 22 миллион АҚШ доллари миқдо-
рида сармоя киритилди. Бунинг эвазига
қўллаб янги корхоналар иш бошлади. Жиз-
зах шаҳридаги МЧЖ шаклидаги "Fogit Textil"
Ўзбекистон — Англия қўшма корхонаси ана
шулардан биридир. Ушбу корхонани таш-
кил этиш учун 4 миллион 720 минг АҚШ
доллари миқдорига хориж сармояси жалб
этилди.

Бу ерда йилига 3 минг тонна калава ип
ишлаб чиқарилади. Цехлар Европанин
"Rieter", "Marzoli", "Savio", "Murata",
"Sheafhorst" каби етакчи компанияларнинг
замонавий дастгоҳлари билан жиҳозланган
и юқори сифатли калава ип тайёрлаш
имконини бераётир.

(Давоми 2-бетда).



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

ПОЙТАХТ ФАОЛЛАРИ ЙИГИЛИШИ

ТОШКЕНТ шаҳар фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор
Президентимиз Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда
Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўна-
лишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида
белгиланган вазифалар ижросига қаратилди.

Тошкент шаҳар ҳокими
А. Тўхтаев бошқарган йи-
гилишда таъкидлангани-
дек, давлатимиз раҳбари
Ислон Каримов раҳнамо-
лига ўтган вақт мобай-
нида юртимиз иқтисодиё-
тининг равнақ топтини,
макроиқтисодий барқарор-
лик, ишлаб чиқаришнинг
изчил ва мутаносиб ўсиш
суръатлари таъминланиши,
жалб этилаётган инвести-
цияларни қўллаштириш,
иқтисодиётнинг етакчи
тармоқларини модерниза-
ция қилиш, иш ҳақи ва да-
ромадларнинг босқичма-

бол товарлари ҳажми 11
фоизга, қурилиш ишлари
ҳажми 14,9 фоизга, жами
хизматлар ҳажмининг
16,6 фоизга, экспортнинг
эса 10 фоизга ортганида
намоён бўлади.

Жаҳон молиявий-иқтисо-
дий инқирози шароитида
иқтисодиётнинг реал секто-
ри корхоналарини қўлла-
қувватлаш, ишлаб чиқариш
ни модернизацция қилиш,
кооперация алоқаларини
кенгайтириш, юртимизда
ишлаб чиқарилган махсу-

Тадбир

лотларга ички талабни
рағбатлантириш масалала-
ри алоҳида ўрин тутди.
Бунинг натижасида саноатнинг
ялпи ҳудудий маҳсулотдаги
улуши 13,6 фоизни ташкил
этди. Айни пайтда замона-
вий мураккаб технологияли
ва қўллаб ишчи ўринлари
ни яратишга мўлжалланган
30 та саноат лойиҳаси ишга
туширилди.

Яратилган қўлай иқтисо-
дий муҳит ва солиқ имти-
ёзлари ҳисобида кўрсатила-
ётган хизматлар сифати
ортиб, янги, замонавий
хизмат турлари кенг жорий
этилди. Утган вақт мобай-
нида 260 га яқин хизмат
кўрсатиш объектларининг
ишга туширилгани бунинг
далилидир.

(Давоми 2-бетда).

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палата-
си ҳамда Сенатнинг қўшма мажлисидаги маъруза-
сида Олий Мажлисининг қонун ижодкорлиги фаолия-
тида мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга
оширилаётган тарихий ўзгаришларни, қўлай
инвестицион муҳитни шакллантириш, ишлаб чиқа-
ришни модернизацция қилиш ва техник қайта жиҳоз-
лаш, банк-молия тизимини ривожлантиришнинг
хуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда
мустаҳкамлашда парламент аъзолари зиммасида
катта масъулият борлигини алоҳида қайд этди.

ТАШАББУСКОРЛИК ВА ФИДОЙИЛИК

ислохотларнинг муваффақиятли
амалга оширилишида
муҳим аҳамиятга эга

Айни пайтда истиқболда-
ги фаолиятимизда амалга
оширилиши лозим бўлган
долзарб вазифаларни бел-
гилаб берди. Халқ ишончи-
га сазовор бўлган, ўз ҳуду-
дидан вақолат олган ҳар
бир вакил, табиийки,
парламентдаги фаолияти-
нинг асосий йўналишлари-
ни ишлаб чиқмоқда, ўз
режаю устувор вазифа-
ларини пиштироқда.

Дарҳақиқат, мамлакат
ижтимоий-сиёсий ҳаётида
муҳим ўринга
эга бўлган
парламент
муносабат

ёки қонун ҳужжатларини бу-
зишнинг бошқа ҳоллари
маълум бўлиб қолган тақ-
дирда уларга дарҳол чек
қўйиш чораларини қўриш
талаби билан тегишли
органлар ҳамда мансабдор
шахсларга муурожаат этиш-
га ҳақли эканлиги мустаҳ-
камлаб қўйилган.

Президентимиз алоҳида
урғу бериб таъкидлагани-
дек, Сенат — бу вакиллик
органи ва уларнинг кўпчи-
лиги халқ депутатлари ви-
лоят, туман ва шаҳар Кен-
гашларининг
депутатлари

сифатида мамлакатимиз
олий қонун чиқарувчи орга-
нида ана шу маҳалли Кен-
гашларнинг вақолатли ва-
киллари ҳисобланади ва
уларга ҳисоб беради. Шу
сабабли иш фаолиятимиз
давомида, қонунларни му-
ҳокама этиш ва қарорлар
қабул қилишда, биринчи
навбатда, умумдавалт ман-
фаатларидан келиб чиққан
ҳолда, мазкур қонунларнинг
ўзимиз сайланган ҳудуд
манфаатлари нуктаи назар-
ридан кўриб чиқишга ало-
ҳида эътибор қаратишимиз,
табиий.

Маълумки, Президентимиз
2009 йилнинг асосий
якунлари ва 2010 йилда
Ўзбекистонни ижтимоий-
иқтисодий ривожлантириш-
нинг энг муҳим устувор
йўналишларига бағишланган
Вазирлар Маҳкамаси
мажлисидаги маърузасида

(Давоми 2-бетда).

ФАРФОНА.
Маҳаллийлаштириш
дастури доирасида
вилоятда импорт ўрнини
босувчи маҳсулотлар
ишлаб чиқарувчи
корхоналар сон
64 тага етди.

**Импортга
ҳожат
қолмади**

Ваҳолонки, бундан икки
йил олдин уларнинг сони 15
та эди. Якунланган йилда
ушбу корхоналар томони-
дан маҳаллий хом ашё
ҳисобига кимё саноати,
автомобиль эҳтиёт қисмла-
ри, ёнилғи-мойлаш матери-
аллари сингари бир неча
турдаги 158 миллиард
сўмлик маҳсулот тайёрлан-
ди ёки 90 миллион АҚШ
долларлик валюта тежаб
қолди.

Жорий йилда ҳам Маҳал-
лийлаштириш дастури асо-
сида 12 та лойиҳани ўзлаш-
тириш кўзда тутилган.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Ширмонбулоқ гиламлари

АНДИЖОН. Булоқбоши туманидаги
Ширмонбулоқ қишлоғида гилам ишлаб чиқаришга
ихтисослашган «Салимбаева Гулойим» кичик
корхонаси фаолият бошлади.

Айни пайтда бу ерда си-
фати хоржиникидан қолиш-
майдиغان 15 турдаги маҳсу-
лот ишлаб чиқарилмоқда. 21

киши меҳнат қилаётган жа-
моа қисқа муддатда ички бо-
зорга дастлабки 10 миллион
сўмлик маҳсулотни чиқарди.

Айтиш лозимки, вилоятда
биргина кичик бизнес ва ху-
сусий тадбиркорликни ри-
вожлантириш орқали якун-
ланган йилда 26612 та янги
иш ўрни яратилди.

О. ШОДНОАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қурилиш хом ашёси арзон нарҳда

НАВОЙЙ. Кармана туманилик тадбиркор **Ф. Муқимов** хориждан 160 миллион
сўмлик маблаг эвазига пишиқ гишт ишлаб чиқарадиган тежамкор технология
олиб келиб, қурилиш цехини ишга туширди.

Ҳозирги кунда бу ерда ойига 350-400 минг
донагача пишиқ гишт тайёрланиб, шартнома
асосида қурилиш ташкилотларига етказиб бе-
риляпти. Цехда ишлаб чиқариш жараёни те-
жамкор технологияларга асосланганлиги маҳ-

сулот таннархининг харидорга мақбул даража-
да бўлишини таъминламоқда.
Эътиборлиси, тадбиркор ташаббуси билан
30 киши муқим иш ўринларига эга бўлди.

Х. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

**Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар**

Маҳсулот қайта ишланмоқда

БУХОРО туманидаги чорвачиликка ихтисос-
лашган «Жоникулов Саид» фермер хўжалигида
сутни қайта ишлаш йўлга қўйилди.

Хоридан келтирилган замонавий технологиялар
ёрдамида бу ерда бир кеча-кундузда қатик, қаймоқ,
бринза каби 6 хилдан ортик сут маҳсулотлари тай-
ёрланмоқда.

Фермер хўжалиги фаолияти кенгайтиши ҳисобида
яна 8 та янги иш ўрни яратилди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

МИЛЛИОНГА ЯҚИН ИШ ЎРНИ

**Жаҳон молиявий-иқтисодий
инқирози таъсирида кўпгина
мамлакатларда иш ўринлари кескин
қисқариб бораётган бир пайтда
бизда фақат 2010 йилнинг ўзида**

950 мингдан зиёд янги иш
ўринлари яратилиши
мўлжалланмоқда.

Бу эзгу режа, шубҳасиз, рўёбга чиқади. Сабаби,
Ватанимизда қурилиш, бунёдкорлик қўлаи йил
сайин кенгаймоқда. Мавжуд корхоналар фаолияти
ривожлантирилиб, юзлаб янги корхоналар
очилмоқда, кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва
сервис шохобчалари равнақ топмоқда,
қасаначилик, халқ хўнарамдчилиги, оилавий
тадбиркорлик рағбатлантирилмоқда. Бандликни
таъминлашнинг янги-янги омиллари изланмоқда.



(Давоми 2-бетда).

ТАШАББУСКОРЛИК ВА ФИДОЙИЛИК

ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилишида муҳим аҳамиятга эга

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўтган йили мамлакатимиз ҳаётида, ҳақиқатан ҳам, улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим ижтимоий дастурлар — Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий дастурининг ижроси амалда...

Хуроса қилиб айтганда, бал халқ вакиллари — депутатлар, сенаторлар шуни яхши англаётганимизки, халқимиз, Президентимиз томонидан билдирилган катта умидди, ишончи ўзимизнинг ҳалол меҳнатимиз билан оқлайми, бу масъулиятни вазифаларни бажаришда ташаббускорлик ва фидойилик кўрсатамиз.

Куроқбой ЭРГАШЕВ, Мирзачўл тумани Пахтазор қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳунар коллежи директори, Олий Мақлис Сенати аъзоси.

ПОЙТАХТ ФАОЛЛАРИ ЙИГИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш ҳамда эркинлаштириш ҳамда рағбатлантириш бўйича ишлар изчил давом эттирилгани, назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик фаолиятига асосиз аралашуви...

Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда улкан курилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Илғор технологиялар асосида

Нукус туманидаги "Дунтай-Оқмангит" масъулияти чекланган жамиятида илғор технологияларнинг жорий қилиниши ҳисобига корхонада пишқиш ишлаб чиқариш ҳажми 35-40 фоизга ўсди.

Айни пайтда бу ерда ойига ўртача 1,5 миллион донагача деворбор курилиш материал тайёрланмоқда. Шу билан бирга, ушбу жамиятда меҳнат қилаётганлар сони 100 нафарга етди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Илғор технологиялар асосида

Нукус туманидаги "Дунтай-Оқмангит" масъулияти чекланган жамиятида илғор технологияларнинг жорий қилиниши ҳисобига корхонада пишқиш ишлаб чиқариш ҳажми 35-40 фоизга ўсди.

Айни пайтда бу ерда ойига ўртача 1,5 миллион донагача деворбор курилиш материал тайёрланмоқда. Шу билан бирга, ушбу жамиятда меҳнат қилаётганлар сони 100 нафарга етди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Илғор технологиялар асосида

Нукус туманидаги "Дунтай-Оқмангит" масъулияти чекланган жамиятида илғор технологияларнинг жорий қилиниши ҳисобига корхонада пишқиш ишлаб чиқариш ҳажми 35-40 фоизга ўсди.

Айни пайтда бу ерда ойига ўртача 1,5 миллион донагача деворбор курилиш материал тайёрланмоқда. Шу билан бирга, ушбу жамиятда меҳнат қилаётганлар сони 100 нафарга етди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Илғор технологиялар асосида

Нукус туманидаги "Дунтай-Оқмангит" масъулияти чекланган жамиятида илғор технологияларнинг жорий қилиниши ҳисобига корхонада пишқиш ишлаб чиқариш ҳажми 35-40 фоизга ўсди.

Айни пайтда бу ерда ойига ўртача 1,5 миллион донагача деворбор курилиш материал тайёрланмоқда. Шу билан бирга, ушбу жамиятда меҳнат қилаётганлар сони 100 нафарга етди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқимизда "Элга хизмат — олий ҳиммат", деган пурмаъно нақл бор. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимини изчил янгилаб бориш натижасида аҳолининг оғир енгил, узоғи яқин бўлаётган экан, бу борадаги ўзгаришлар ва эл қайишаридаги мамнуния кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшаверидаги.

Зайинддин АБРОРОВ, «Тошхатратрансқизмат» уюшмаси раиси ўринбосари.

(Давоми. Боши 1-бетда). Ли Мён Бакнинг 2009 йил май ойида Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи Суеунинг стратегик шериклиги янада ривожлантириш, илгарчи саммитлар чоғида эришилган келишув ва битимларнинг амалга оширилишига содиқлигини тасдиқлади.

Ўзбекистон (Давоми. Боши 1-бетда). Ли Мён Бакнинг 2009 йил май ойида Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи Суеунинг стратегик шериклиги янада ривожлантириш, илгарчи саммитлар чоғида эришилган келишув ва битимларнинг амалга оширилишига содиқлигини тасдиқлади.

Ўзбекистон (Давоми. Боши 1-бетда). Ли Мён Бакнинг 2009 йил май ойида Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи Суеунинг стратегик шериклиги янада ривожлантириш, илгарчи саммитлар чоғида эришилган келишув ва битимларнинг амалга оширилишига содиқлигини тасдиқлади.

Ўзбекистон (Давоми. Боши 1-бетда). Ли Мён Бакнинг 2009 йил май ойида Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи Суеунинг стратегик шериклиги янада ривожлантириш, илгарчи саммитлар чоғида эришилган келишув ва битимларнинг амалга оширилишига содиқлигини тасдиқлади.

Ўзбекистон — Жанубий Корея: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Икки мамлакат алоқаларининг ҳуқуқий асосини сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий-сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларни камраб олган 170 га яқин ҳужжатлар ва идоралараро ҳужжатлар ташкил этди.

Ўзбекистон иқтисодийётига киритилган Жанубий Корея сармоясининг умумий ҳажми 5 миллиард АҚШ долларига етди, шундан 2 миллиард доллардан зиёди ўзлаштирилган. Бугунги кунда мамлакатимизда корея сармояси иштирокида 373 та корхона фаолият юритмоқда, улардан 72 таси тўлалигича кореяликлар маблағи асосида тузилган.

Жанубий Корея компаниялари мамлакатимиздаги тўқимачилик соҳасини ривожлантиришда ҳам фаол иштирок этмоқда. Ушбу тармоқдаги корхоналар томонидан 2009 йилда "Ўзбекентилсанот" давлат акциядорлик компанияси буйича қайта ишланган пахта толаси умумий ҳажмининг 24 фоизи қайта ишланиб, 77,24 миллион АҚШ доллари миқдориди тайёр маҳсулот экспорт қилинди.

Жанубий Корея компаниялари мамлакатимиздаги тўқимачилик соҳасини ривожлантиришда ҳам фаол иштирок этмоқда. Ушбу тармоқдаги корхоналар томонидан 2009 йилда "Ўзбекентилсанот" давлат акциядорлик компанияси буйича қайта ишланган пахта толаси умумий ҳажмининг 24 фоизи қайта ишланиб, 77,24 миллион АҚШ доллари миқдориди тайёр маҳсулот экспорт қилинди.


Дил сўзи. Муҳтарам Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизда янгилаш ва модернизация қилиш беш вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ

Дарҳақиқат, ҳозир жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ишлаб чиқариш соҳасида юқори ва барқарор суръатларни таъминлашда модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлашнинг аҳамияти жуда катта.

ЮКСАЛИШ, САМАРАДОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

(Давоми. Боши 1-бетда).



Этиборли томони шундаки, қўшма корхона маҳсулоти юз фоиз экспорт қилиниши мўлжалланган. Жамоа январь ойининг ўзида Россия Федерациясига 206,9 минг АҚШ долларилик маҳсулот етказиб бергани диққатга сазовордир.

Ҳозир корхонамизда меҳнат қилаётган юз нафарга яқин ишчи-хизматчиларимизнинг барчаси олий ўқув юртли ва касб-ҳунар коллежларида шу мутахассисликни эгаллаган йигит-қизлардир.

Бундан ташқари, корхонада нотўқима мато ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида ҳам изланишлар бошлаб юборилган.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Азиз неъмат — Истиқлолга эришганлигимиз бизга чинакам маънода бахту саодат келтирди. Бугун хар биримиз Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган беқиёс ислохотлардан руҳланиб, фаровон ва осойишта ҳаёт қуришга, Ватанини обод қилишга интилиб яшамоқдамиз.

Элга хизмат — олий саодат

Биргина азим Тошкент мисолида айтилган бўлса, бири-биридан кўркам масканлар қад ростлади, йўлларимиз равонашди. Хусусан, Юртбошимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда йўловчи ташиниш тўрага таксимлаш бўлмоқда. Аҳолига шу йўналишда хизмат кўрсатишда "Тошхатратрансқизмат" уюшмасининг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

— "Тошавтобустрас" акциядорлик компанияси, "Тошэлектротранс" давлат компанияси ва "Тошпарсервис" акциядорлик компанияси ўз фаолиятини юриси билан мамлакатимизда йўловчи транспорт корхоналари томонидан шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига 130 та шаҳар ичи, 2 та шаҳар атрофи, 25 та йўналишда такси, 7 та трамвай, 2 та троллейбус йўналишида хизмат кўрсатишмоқда. Айни пайтда Тошкент метроси 29 бекатдан иборат унча йўналиш бўйича ишлаб турибди. Шу билан бирга, "Тошхатратрансқизмат" уюшмаси томонидан йўловчиларга кўрсатилаётган транспорт хизмати сифатини яхшилаш мақсадида автобус корхоналари таркибиде йўловчи ташиниш фаолияти билан шуғулланувчи масъулияти чекланган жамиятлари ҳам ташкил этилди.

Айтиш жоизки, йўналишлар тармоғи масофаси автотранспорт бўйича 2875,98 км.ни, трамвай йўллари бўйича 117,6 км.ни, троллейбус йўллари бўйича 28,4 км.ни ва метрополитен бўйича 36,1 км.ни ташкил қилмоқда. Хар куни тигиз соатларда шаҳар йўналишларида 1653 та кўп ўринли автобус ва микроавтобуслар, 97 та трамвай ва 27 та троллейбус белгиланган йўналишларга чиқарилади. Натихада хар куни ўртача 1,5 миллион киши ўз манзилга етказиб қўйилади.

Иزلаниш

Аҳолининг йўловчи ташиниш транспортига бўлган эҳтиёжини қондириш ва унинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш бевосита автотранспортнинг техник ҳолатига боғлиқ. Мамлакатимизда мазкур тизимга қаратилаётган алоҳида этибор ва доимий кўмак туфайли энг замонавий автобуслар олиб келинаётгани, айникса, кубонларидир. Этибор қилинг: бугунги кунда "Тошавтобустрас" акциядорлик компанияси корхоналари тасарруфида 1595 та

лаб чиқарилган, хар томонлама қулай "Исузу" русумли мидибуслардир. Амалга оширилаётган кен қўламли техник янгиликлар тармоқ самарадорлигини ошириш баробарида, йўловчи ташиниш хавфсизлигини таъминлашда бундан ташқари, Россияда ишлаб чиқарилган 30 та трамвай вагонларга чиқарилади. Натихада хар куни ўртача 1,5 миллион киши ўз манзилга етказиб қўйилади.

Бугун шаҳар йўлларида ҳаракатланаётган замонавий жамонат транспортлари техник имкониятлари жиҳатидан ўз хизмат мuddатини ўтаб бўлган транспорт воситаларидан бутунлай фарқ қилади. Эндиликда йўналишларга чиқарилган транспорт воситаларининг техник носозлик билан корхонага қайтиб кириши натижасида қатнов мунтазамлигининг бузилиши холлари кескин камайди. Энг асосийси, ихчам ва тез ҳаракатлана-

диган автобуслардан фойдаланилаётгани туфайли йўловчиларни манзилларига етказишда вақт сарфи қисқарди, корхоналарда техник тайёргарлик ва ҳаракат таркибларидан фойдаланиш коэффициентлари сезиларли даражада ўсди. Буларнинг бари уюшма даромадларининг ошишига олиб келмоқда.

Адхамжон ХОЛИҚОВ, Кува туманидаги "Qubbo mebel" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси.

Хозирда уюшма қошида учта

ларда

Президентимизнинг 2008 йил

Халқимизда

Зайинддин АБРОРОВ, «Тошхатратрансқизмат» уюшмаси раиси ўринбосари.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Мажбурий таътил

АҚШда кузатилаётган қаҳратон қиш аҳолининг ҳаёт тарзини издан чиқарди, дейилади "Рейтер" ахборот агентлиги хабарида.




Жумладан, Нью-Йоркдаги кўпгина давлат муассасалари, таълим даргоҳлари, йирик автомагистраллар фаолияти вақтинча тўхтаб қолган. Ҳатто, БМТнинг бош қароргоҳи ҳам ноқулай об-ҳаво шароити туфайли маълум муддатга ёпишган.

Таъсири сезилди

Жаҳонда кузатилаётган моливиий-иқтисодий инқироз Германия иқтисодиётига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатмоқда.

"Франс пресс" ахборот агентлиги хабарига қараганда, мамлакатда ўтган йили экспорт ҳажми 18,4 фоизга пасайиб, 803,2 миллиард еврога ташкил этган. Бундан ташқари, импорт мақдори ҳам 2008 йилга нисбатан 17,2 фоизга қисқарган.



Шундай қилиб, Германия экспорт салоҳияти бораси-

да етакчиликини Хитойга бериб қўйди.

Кўз тегдими?

Яқинда Бирлашган Араб Амириликларида тантанали равишда очилган дунёдаги энг баланд бино — "Бурж Дубай"га ташир буюрувчиларни қабул қилиш номаълум муддатга тўхтатилди.




Ҳап шундаки, 828 метрли мазкур иншоотнинг электр таъминоти тизимида айрим муаммолар юзага келган. Шу боис ҳозирда уни бартараф этиш ишлари олиб борилаётганда. Айни пайтда "Бурж Дубай"ни сайр қилиш истагида бўлганларга сотилган чипталар ҳам қайтариб олинган.

Қайта текширув ўтказилади

Дунёга машҳур "Toyota Motor Corp" корпорацияси Япония транспорт вазирлигига айрим турдаги автомобилларида кузатилаётган нуқсонларни бепул бартараф этиб беришини билдирди.

Сабаби, "Prius", "Toyota SAI", "Lexus HS" ва "Prius Plug-In" русумли автоуловлардаги термор тизимида камчиликлар мавжудлиги аниқланган. Энди корхона 220 мингта ана шундай машинани қайтадан таъмирлайди.



Маълумотларга кўра, кейинги 5-6 ой ичида "Toyota" дунё бўйича 9 мил-

лионга яқин автомобилни қайтадан техник кўриқдан ўтказишга мажбур бўлган.

Шахсий шифокор шубҳа остида

Жаҳон мусикаси поп-қиролы Майкл Жексоннинг ўлими сабаблари ўрганилмоқда.



Ҳозирда қўшиқчининг ҳаётдан қўйиб қўйишига шахсий шифокори Конрад Мюррей сабабчи, деган тахминлар илгари сурилмоқда. Полиция вакиллари айтишича, Жексон меъъридан ортқ доридармон истеъмол қилиши оқибатида вафот этган.

Бундан ташқари, Мюррей хонанданинг юраги уришдан тўхтаб, орадан 47 дақиқа ўтгандан сўнггина тез ёрдам машинасини чақирган. Мана шу жиҳатлар қўшиқчининг яқинларида шубҳа уйғотаяпти.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, янги замонавий диагностика ҳамда даволаш усулларини амалиётга татбиқ этиш эса тиббиётдаги ислохотларнинг бош мақсади ҳисобланади.

ЭЗГУЛИККА КАМАРБАСТАМИЗ

Зеро, Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизimini ислох қилиш давлат дастури тўғрисида"ги Фармони амалдаги ишларнинг ижросини таъминлашда дастуриламал бўлиб, тиббиётимизни янги босқичга олиб чиқди. Мазкур Фармон асосида пойтахтимизда ва вилоятлар марказларида шохлиқ тиббий бўлимлар ташкил қилиниб, аҳолига кафолатланган, бепул шохлиқ тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Республика шохлиқ тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм филиали ўз фаолиятини ана шу тиббиёт муассасалари қаторида бошлаган эди. Ҳозирги кунда марказда қабул қилинган диагностика, қўшма жароҳатлар, катталар ва болалар хирургияси, урогинекология, терапия, педиатрия, неврология, комбустология, анестезиология-реанимация, токсикология ва сунъий буйрак, лаборатория, рентген диагностикаси ҳамда шохлиқ тиббий ёрдам "03" бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Марказ фаолиятига доир аниқ рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, у иш бошлаган кундан буён 300 минг нафардан ортқ беморга шохлиқ тиббий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ўтган вақт мобайнида 25 мингтага яқин шохлиқ хирургик, урологик, гинекологик, травмотологик, комбустологик жарроҳликлар амалга оширилди. Ислох тараққиёт банки сармояси асосида тиббиёт жиҳозлари билан таъминлаш лойиҳаси бўйича марказимизга 1 млрд. 550 млн. сўмлик турли хил юқори технологик тиббий асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. Хоразмнинг мазкур замонавий тиббиёт анжумани беморларга юқори савияда шохлиқ тиббий ёрдам кўрсатишда жуда қўл келмоқда. Шунингдек, аввал вилоятимиз шифохоналарида бажарилмаган бир қатор янги операцияларни амалга ошириш имконияти яратилди.

Бошқа жойларда бўлгани каби вилоятимиздаги тиббий муассасаларни ҳам янги юқори технологик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари давом эттириляётгани қувонарли ҳол. Яқин кунларда марказимизга Германиянинг "Siemens" компа-

ниясида ишлаб чиқарилган компьютер томографи келтириб ўрнатилди. "Араб иқтисодиёт ривожланиш жамғармаси Қувайт фонди"нинг сармояси асосида вилоятимиз туманларидаги шохлиқ тиббий ёрдам бўлими-

рига 2010 йилда умумий қиймати 1 млрд. сўмга яқин бўлган тиббий жиҳозлар келтирилади. Айтиш жоизки, барча шохлиқ тиббий бўлимларда бу жиҳозларни қабул қилиш ва ўрнатиш бўйича капитал ташмирлаш

ислохот

ишлари бажарилди. Бундан ташқари, марказимизнинг стерил дорилар тайёрлайдиган ички дорихонаси ҳам мукамал ташмирлашдан чиқарилиб, жиҳозланди. Натижада беморларни стерил дорилар билан таъминлаш яхшиланди. Бу ерда бир кеча-кундузда 30 хил турдаги 200 литргача суяк дори-дармонлар тайёрланмоқда.

Мазкур замонавий, қимматбаҳо тиббиёт ускуналаридан самарали фойдалана олиш ҳам муҳим масала. Бунинг учун марказимизда юқори малакали мутахассислар етарли. Рентгенолог Ойбек Оташев, эндоскопист Феруза Якубова, ультратовуш мутахассислари Озода Турдиева, Бикажон Бобониязова, компьютер томография мутахассиси Ўткир Қаландаров, реаниматолог

ден шаҳрида бўлиб ўтган аёллар ўртасидаги халқаро шахмат Олимпиадасида Нафиса халқаро спорт устаси нормасини бажарди.

У ҳозирги кунда мамлакатимизнинг энг кучли профессионал шахматчиларидан бири ҳисобланади. 2009 йилда Тошкентда "ақл гимнастикаси" бўйича олий лига мусобақаларида 11 имкониятдан 10,5 очко тўлаб, устунликка эришди. Ўтган йили Хиндистон пойтахти Деҳлида 20 та давлатдан келган 412 нафар моҳир шахматчи қизғин беллашувга киришган катта халқаро мусобақада у 11 имкониятдан 8 очко тўлаб, турнирда қатнашган хотинқизлар ўртасида биринчи ўринни кўлга киритди.

Гарчи исми Нафиса, фамилияси Мўминова бўлгани билан бу қиз ҳеч ҳам шахматда нафис ва мўмин феъл-атворли эмас, балки ўта шижоатли. Бундай шахматчиға рақиб бўлиш осонмас.

Нафиса халқаро турнирларга тобора кўпроқ таклифномалар олмақда. Масалан, жорий йилнинг апрель ойида Малайзияда бўладиган навбатдаги халқаро турнирда қатнашади. Ерқин ва ўткир салоҳиятли ҳамюртимиз ушбу баҳса ҳам Ватанимиз шахматининг кучи ва жозибасини алоҳида бир қобилият билан намойиш этади, деб ишонамиз.

Михли САФАРОВ.

Спорт

Ҳаётимизда ҳар бир соҳада ўтган 2009 йилнинг натижалари таҳлил қилинмоқда. Жумладан, спортнинг шахмат турида ҳам ана шундай сарҳисоб ўтказилиб, унда барча мутахассислар ва журналистларнинг яқдил фикрига кўра, Рустам Қосимжонов ва Нафиса Мўминова "Йилнинг энг яхши шахматчилари" деб топилди.



НАФИСА — ШАХМАТИМИЗ ЮЛДУЗИ

Фаргона вилоятининг Қумбосди деган чекка бир қишлоғида 1990 йилда таваллуд толган қизалоқ, вақти келиб, шахмат бўйича халқаро миқёсда ном тарашига муяссар бўлиши, бу, аввало, мустақиллигимиз шарофатидандир. Истиклол даврида Президентимиз ҳаётга кириб келаятган ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб ривожланишига улкан эътибор кўрсатдилар. Истеъдодли ёшларни топши, тарбиялаш ва имкониятларини юзага чиқариш давлат сиёсати даражасига кўтарилди...

Алишер Мўминов ўз оиласи бағрида униб-усиб келаётган уч нафар қизалоқ — Нафиса, Хулкар ва

Гулруҳбегимнинг келажакни ўйлаб, аввало, уларни мусиқа санъатиға муҳаббатли қилиб тарбиялашни мақсад этди. Фарзандлар мусиканинг сеҳрли оламиға кира бошладилар.

Алишер Мўминовнинг ўзи шахмат ва белбоғли кураш бўйича биринчи даражали спортчи. У ҳозирги кунда Фарғонадаги Олимпия захиралари спорт мактабида шахматдан таълим бермоқда. Хуллас, ота қизларига шахмат уйинини ўргатди. Қарангли, қизлар мусиқа ва шахматдан биринчи талнашларига тўғри келганида, шахматға меҳр-эътиқод устунлик қилди. Ҳозирги кунда бу уч қиз республикада ва, айниқса, Нафиса халқаро миқёсда-

«Олтин водий» соврини учун Наманган вилояти отчопарида спортнинг улоқ-кўпқари тури бўйича «Олтин водий» соврини учун Ўзбекистон очик чемпионати ўтказилди. Унда республикамиз вилоятларидан келган 8 та жамоа иштирок этди.

Мурасасиз баҳслар давомидида улоқни майдондан энг кўп олиб чиқишға муваффақ бўлган Тошкент вилояти жамоаси биринчи ўрин ва бош соврин эгаси бўлди. Наманган ҳамда Андижон вилоятлари чавандозларига эса кейинги ўрин-

лар насиб этди. Уч кун давом этган очик чемпионатда от спортининг бошқа оммавий турлари бўйича ҳам мусобақалар ташкил этилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

"TOY-TEPA AGROMAX" МЧЖ

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беради:

Сабзавотлар: картошка, пишёз, қизил лавлағи, сабзи.

Маҳаллий шароитда етиштирилган:

Украина технологияси асосида қайта ишланган: Дон-аун перловка ёрмаси, гречка, нухат, гуруч.

Махсулот сертифициланган

Тел.: 586-46-00, 168-09-09.

ТАШКИЛОТ МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИЛГАН ҚУЙДАГИ

ҚУЙМА МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

«КМД-1750» русумли қонусли майдалаш ускунаси учун **ЗИРҚЛАР** (ҳаракатланадиган ва ҳаракатланмай-диган);

«СМД-741» русумли шекли майдалаш ускунаси учун **МАЙДАЛАШ ПЛИТЛАРИ** (ҳаракатланадиган ва ҳаракатланмай-диган).

Шунингдек, турли хил майдалаш ускуналари учун зирх ва плиталарни етказиб беришға буюртмалар қабул қилинади.

Телефонлар: (+998 90) 168-56-24, (+998 97) 485-54-62. E-mail: shohbron@rambler.ru

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ «2-АВТОБУС САРОЙИ» ОАЖ

пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларининг манзилларини яқин, кўнгилларини хушнуд қилиш мақсадида янги «Мерседес-Бенц» ва «SUZU» автобуслари ажратилаётганлиги муносабати билан


«Д» ТИФАЛИ ҲАЙДОВЧИЛАР ҲАМДА ЧИПТАЧИЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ойлик маошлар: «Мерседес-Бенц» автобусларида ишлайдиган ҳайдовчилар учун 450 000 сўмдан 600 000 сўмгача, чиптачилар учун 150 000 сўмдан юқори.

«SUZU» автобусларида ишлайдиган ҳайдовчилар учун 250 000 сўмдан 300 000 сўмгача, чиптачилар учун 150 000 сўмдан юқори.

Мурожаат учун телефонлар: 296-32-60 (ҳодимлар бўлими), 296-55-52 (қабулхона).

Иш берувчилар диққатига! Ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурталашни унутманг!



Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш – ижтимоий ҳимоя воситаси

O'ZBEKINVEST, "O'ZAGROSUG'URTA", KAFOLAT, Alliance Insurance, ALSKOM, ASIA insurance, ISHONCH, KAPITAL SUG'URTA, Standard Insurance, O'ZBEKINVEST HAYOT, UNIVERSAL SUG'URTA

O'ZBEKINVEST - тел.: 232-07-47; O'ZAGROSUG'URTA - тел.: 239-10-65; KAFOLAT - тел.: 239-48-86; ALLIANCE INSURANCE - тел.: 120-71-00; ALSKOM - тел.: 214-66-07; ASIA INSURANCE - тел.: 300-00-11; ISHONCH - тел.: 238-69-65; KAPITAL SUG'URTA - тел.: 232-02-02; STANDART INSURANCE - тел.: 256-26-99; O'ZBEKINVEST HAYOT - тел.: 252-78-48; UNIVERSAL SUG'URTA - тел.: 234-67-89.

Продаются КВАРТИРЫ ОТ ЗАСТРОЙЩИКА

НИЗКИЕ ЦЕНЫ

Готовый БИЗНЕС

- Мелькомбинат
- Рыбхоз
- МТП
- Гостиница
- Магазин
- Ресторан
- Офисное здание

281-52-02, 709-08-77

281-52-02, 281-42-02

Ушбу жойда Сизнинг рекламаниз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама

бизнесингизни қўлаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 236-09-25.

Молия муассасаларида

Маълумки, ҳозирги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири, энг аввало, дунё давлатларининг етакчи молия муассасалари фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда.



Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда глобал муаммо олдидан илгаб олингани, Президентимиз ташаббуси билан банк-молия тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани туфайли уларнинг мустақам ҳимояси яратилди.

«Асака» банки: ФАРОВОНЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯЛАР

Дарҳақиқат, банк жамоасининг ўз фаолияти мобайнида Инқирозга қарши чоралар дастури ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратаётгани узок муддатли ўсиш ва ривожланишга эришиш, инвестицион жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлаётди.

Пировардида банк жами капитали 146,6 млрд. сўмга ёки 69,6 фоиз ўсишига эришиб, 357,3 млрд. сўмга етказилди. Ҳозирги кунда банк жами капитали 146,6 млрд. сўмга ёки 69,6 фоиз ўсишига эришиб, 357,3 млрд. сўмга етказилди.



ёки 50 фоизга ўсиб, 631,4 мингга етгани эътиборга моликдир. «Асака» банки қимматли қоғозлар фонд бозорига йирик инвесторлардан бири ҳисобланади.

2009 йилда бу борадаги ишлар жадал давом эттирилиб, экспорт-импорт амалиётлари бўйича етакчи хорижий банкларнинг таъжрибасини алоҳида таъкидламоқ жоиз.



қисқа муддатли кредит линияларидан унумли фойдаланилди. Ҳозирги кунда кредит линияларининг умумий қиймати 295 млн. АҚШ долларини ташкил қилмоқда.



ҳажми 41 фоизга ортгани, айниқса, эътиборга молик жиҳатидир. Анқироги, у йил давомида 250,5 млрд. сўмга кўпайиб, умумий ҳажми 860,9 млрд. сўмни ташкил қилди.

ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчига айланган мазкур соҳани ривожлантиришга мақсадлари учун 265,2 млрд. сўм миқдорига кредитлар ажратилгани, яқунда уларнинг қолдиғи 288,9 млрд. сўмни ташкил этгани бунинг исботидир.

Бундан ташқари, банкнинг махсус имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобида 1,7 млрд. сўм миқдорига кредит маблағлари ажратилди ва кредитлар қолдиғи 5,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Осиё Тараққиёт банки томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳам 176 та лойиҳа бўйича 2,1 млн. АҚШ доллари миқдорига мақсадли сармоялар ажратилди.

Банк томонидан, шунингдек, экспорт қилувчи корхоналарга ҳам айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли равишда кредитлар ажратиб келинмоқда.

Шу ўринда «Асака» банкининг қайта ишлаш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш борасидаги



филиаллар эса 26 тага етди. Чекка ҳудудларда ҳам аҳолига тезкор ва сифатли банк хизматлари кўрсатиш мақсадида бу борадаги ишлар жадал давом эттирилиши эътиборга моликдир.

Молия муассасаси томонидан қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришга ҳам устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси бўйича муайян ишлар бажарилди.

Молия муассасаси томонидан банкдан ташқари пул айланмасини қисқарттириш, аҳоли бўйича маблағларини омонатларга жалб этишга қаратилган ишлар чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Президентимизнинг 2008 йил 31 октябрдаги «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, аънавий ўтказиб келинаётган қурик-танловнинг 2009 йил якунлари бўйича «Асака» банки фаолияти муносиб баҳоланди.

Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантиришда, айтиш мумкинки, «Асака» банки ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

томонидан 4650 та терминал ўрнатилгани, 465 миң дан пластик карточка муомаласига чиқарилгани бундай дейишимизга асос бўла олади.

Кейинги йилларда носоавдо хусусиятига эга барча амалиётлар, жумладан, резидент ва норезидент юридик ҳамда жисмоний шахслар учун хорижий валюта ҳисоб-варақлари ва омонатларини очиб ҳамда юритиш, хорижа ва хориждан тезкор пул маблағлари ўтказмалари ҳажми ортиб бораёпти.

Тизимда банк хизматлари қўламини кенгайтириш мақсадида 9 та янги минибанк очилиши билан уларнинг сони 108 тага,



Мухтасар қилиб айтганда, давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки жамоаси 2010 йилда ҳам иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш масалаларига устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратади.



Мухтасар қилиб айтганда, давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки жамоаси 2010 йилда ҳам иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш масалаларига устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратади.

Маънавий меросга эҳтиром

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида «Навий мероси — баркамоллик мактаби» деб номланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман

Шеърят мулкнинг султони Алишер Навоий таваллудининг 569 йиллигига бағишланган ушбу тадбирда улуг бобокалонимизнинг бизга қолдирган меросини ўрганишнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Анжуман сўнггида институт талабалари томонидан буюк шоир асарлари асосида саҳналаштирилган чиқишлар намойиш этилди.

Ёшлар компьютер маркази

Марғилон шаҳрида «Қамолот» ЁИХ шаҳар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳар бўлими ҳамкорлигида ёшлар компьютер маркази ташкил этилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дас-тури доирасида фаолияти йўлга қўйилган ушбу марказда уч ойлик компьютер саводхонлиги тўғрисида ҳам мавжуд. Шунингдек, мазкур марказдаги 8000 надан зиёд китоб фондига эга бўлган кутубхона ҳам ёшлар ихтиёрига топширилди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ISO 9001? Как управлять по международным нормам... миссия, стратегия, качество, бизнес-процессы, безопасность, экология, QPI, КТУ, персонал, брендинг, сервис, кайдзен, BSC...

ОБ-ҲАВО (11 февраль) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Тунда 20-25 (Хоразм вилоятида 15-20), кундузи 7-12 даража соғуқ бўлади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касабга уюшмаси қўмитаси Молия ва солиқлар кафедраси профессори Олим Жумановга оидан БУВАЙША ЯНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 103. 63314 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.